

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХУДАЙБЕРДИЕВА МАШХУРА ШАВКАТОВНА**

**МЕЪДА САРАТОНИ РЕЦИДИВИ, ПРОГНОЗ ОМИЛЛАРИ ТАЪСИРИ,  
ЭРТА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Худайбердиева Машхура Шавкатовна**

Меъда саратони рецидиви, прогноз  
омиллари таъсири, эрта ташхислаш ва  
даволашни яхшилаш йўллари ..... 3

**Худайбердиева Машхура Шавкатовна**

Рецидив рака желудка, влияние факторов  
прогноза, пути улучшения ранней  
диагностики и лечения ..... 23

**Khudayberdieva Mashkhura Shavkatovna**

Recurrence of gastric cancer,  
the influence of prognostic factors,  
ways to improve early diagnosis and treatment ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 44

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХУДАЙБЕРДИЕВА МАШХУРА ШАВКАТОВНА**

**МЕЪДА САРАТОНИ РЕЦИДИВИ, ПРОГНОЗ ОМИЛЛАРИ ТАЪСИРИ,  
ЭРТА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib662 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Джураев Миржалол Дехқонович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ходжаев Абдувоҳид Валиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ҳакимов Ғолиб Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Республика онкология илмий маркази» (Тожикистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04.12.2018.Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@ronc.uz](mailto:info@ronc.uz), Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг маълумотларига кўра дунёда «... меъда саратони бўйича ўлим кўрсаткичи 45,0% ни ташкил этади. Меъда саратони билан оғриган беморлар ўлимининг асосий сабаблари рецидив ва ўсма жараёнининг ривожланиши ва тарқалиши ҳисобланади...»<sup>1</sup>. Меъда саратонига қарши курашда, кўпинча беморлар ўлимига сабаб бўлувчи касаллик рецидивларини даволаш ва олдини олиш масалаларини ҳал этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Сўнгги адабиёт маълумотларига кўра «...локорегионар рецидивларнинг сони 30-53% ни ташкил этади, 5 йиллик умр кўриш даражаси эса 18-30% гача, яъни энг пастлигича қолмоқда. Ташхисотдаги қийинчиликлар рецидивнинг «операция қилинган меъда касалликлари» фониди юзага келиши билан боғлиқ. Меъда чўлтоғида саратон рецидиви операциядан кейин 5 йил давомида 89% беморларда ривожланган ва 4% беморларда эса 10 йилдан ортиқ муддатда қайд этилган...»<sup>2</sup>. Меъда саратони рецидивлари инфилтратив ўсишга мойиллиги, юқори даражада инвазивлиги ва кўпинча атрофдаги органларга ўсиб кириши билан ифодаланувчи юқори биологик фаоллиги ва ўсманинг гистологик шаклининг хусусиятлари билан боғлиқлиги, яъни қанчалик кам дифференциаллашган бўлса, у шунчалик кўп рецидив бериши ва уни бартараф этиш соҳа олимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда меъда саратони рецидиви, прогноз омиллари таъсири, эрта ташхислаш ва даволашни яхшилаш йўллари такомиллаштиришга қаратилган профилактик тадбирларни юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, ўсманинг ўсиш чуқурлиги, жойлашиши, гистологик тузилмаси, ўсиш шаклига мос равишда меъданинг дистал субтотал резекциясини онкологик асосланган даражасини ва меъда саратонининг локорегионар рецидивини юзага келишида лимфодиссекциянинг ўрни ва адекватлигини асослаш, комплекс ташхислашда СА-72-4 карбоангидрат антигенини баҳолашнинг иммунохемилюминисцент усулини тадбиқ этиш ва мониторингини юритиш йўли билан меъда чўлтоғи саратони рецидивини эрта ташхислаш тамойилларини ишлаб чиқишдан иборат. Меъданинг рецидивланувчи саратонида меъда чўлтоғини стандарт ва комбинирлашган экстирпациясини бевосита ва узок муддатли натижаларини баҳолаш ва реконструкция турига мос равишда эзофагоёюноанастомозни шакллантиришнинг оптимал усулини танлаш ҳамда рецидивланиш жараёнининг ривожланиш хавфини комплекс

<sup>1</sup> World Health Organization. Cancer: fact sheet no.297. World Health Organization website. 2018. [www.who.int/iris/handle/10665/244872](http://www.who.int/iris/handle/10665/244872).

<sup>2</sup> Афанасьев С.Г., Августинович А.В., Тузиков С.А., Пак А.В., Волков М.Ю., Савельев И.Н., Фролова И.Г. Результаты комбинированных операций при местно-распространенном раке желудка //Онкология. Журнал им. П.А. Герцена. – 2013. №2. – С. 12-15

баҳолаш учун асосий прогноз омилларига мос равишда башорат харитасини ишлаб чиқиш, шунингдек, қайталаниш ва метастазлар пайдо бўлишида уларнинг аҳамиятини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш борасида, хавфли ўсма касалликларини тўғри ташхислаш ва самарали даволаш «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли онкологик касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ўсма касалликларни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866–сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Меъда саратони (МС) энг кенг тарқалган саратон касалликлари қаторига киради. IARC (International Agency for Research on Cancer) ва турли муаллифларнинг маълумотларига кўра, инсонлардаги барча хавфли ўсмалар (ХЎ) орасида МС дунёда энг кўп

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тарқалганлиги бўйича тўртинчи ва ўлим сабабчиси сифатида иккинчи ўринни эгаллайди (Adachi Y., 2011; Brennan M.F. 2015). Дунёда ҳар йили ушбу касаллик бўйича 1 миллионга яқин янги ҳолатлар ва 700 мингдан ортиқ ўлим қайд этилади (Maruyama K., 2017). Меъда-ичак трактининг касалликлари таркибида МС иккинчи ўринни, ўлим бўйича биринчи ўринни эгаллайди (Скоропад В.Ю., 2018; Мерабишвили В.М., 2018). 2020 йилга келиб касалланганлар сонининг 1,3 миллионга ошиши башорат қилинмоқда, мутахассисларнинг фикрича, меъда-ичак трактининг хавфли ўсмалари, жумладан МС ҳам ХХІ асрда касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари бўйича биринчи ўринга чиқади.

Операция қилинган меъда касаллигининг клиник ташхисотидаги қийинчиликлар шикоятларнинг табиати ва ривожланганлиги ҳамда шиллик пардада юзага келадиган ўзгаришлар чуқурлиги ўртасида параллелликнинг мавжуд эмаслигидадир (Давыдов М.И., Абдухакимов А.Н., 2001). Фақатгина касаллик рецидивини эрта аниқлаш қайта реконструктив операцияни ўз вақтида амалга ошириш ёки махсус даволашнинг паллиатив курсини ўтказиш имконини беради.

Ўзбекистонда меъда саратонини ташхислаш, даволашнинг замонавий ва самарали усуллари қўллаш, саратон тарқалишини олдини олиш ва ташхислаш борасида қатор ишлар бажарилган (М.Д.Джураев, 2008, 2016), қорин бўшлиғи ва қоринпарда орти соҳаси саратонини ташхислаш ва даволаш (А.А.Юсупбеков, 2008), меъда ўтинқираган саратонида ташхислаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш (А.Н.Абдихакимов, 2003), бироқ, меъда саратони рецидиви, прогноз омиллари таъсири, эрта ташхислаш ва даволашни яхшилаш йўллари оптимал тизими яратилмаган.

Шундай қилиб, меъда саратонининг рецидиви мавжуд беморларга хирургик ёрдам кўрсатиш вазифаси ҳалигача қониқарли ечимини топмаган. Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, клиник онкологияда ҳозирги вақтда меъда рецидивланувчи саратонининг хирургик тактикаси бўйича ягона фикр мавжуд эмас.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Қорин бўшлиғи органлари ўсмаларини ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» (2012-2014йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** дистал субтотал резекциядан кейин меъда чўлтоғида саратон рецидиви ривожланишининг асосий прогностик омиллари ўрнини аниқлаш ва уни эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўсманинг ўсиш даражаси, жойлашиши, гистологик тузилмаси, ўсиш шаклига мос равишда меъданинг дистал субтотал резекциясини онкологик асосланган даражасини ва меъда саратонининг локорегионар рецидивини юзага келишида лимфодиссекциянинг ўрни ва адекватлилигини баҳолаш;

комплекс ташхислашда СА-72-4 онкомаркерини аниқлашнинг иммунохемилюминисцент усулини тадбиқ этиш ва мониторингини юритиш йўли билан меъда чўлтоғи саратони рецидивини эрта ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш;

меъданинг рецидивланувчи саратонида меъда чўлтоғини стандарт ва комбинирланган экстирпациясини бевосита ва узоқ муддатли натижаларини баҳолаш ва реконструкция турига мос равишда эзофагоёюноанастомозни шакллантиришнинг оптимал усулини танлаш;

рецидивланиш жараёнининг ривожланиш хавфини комплекс баҳолаш учун асосий башоратлаш омилларига мос равишда харита ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2000-2017 йилларда 128 нафар меъда саратони рецидиви билан хасталанган Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази абдоминал бўлимида стационар даволанган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** 60 та беморда жарроҳлик амалиётидан сўнг ошқозон чўлтоғи рецидиви сабабларини, ошқозон саратони рецидиви ривожланишига прогностик омилларининг таъсирини, шунингдек, эрта ташхис қўйиш ва резекция қилинган ошқозонни жарроҳлик даволашни яхшилаш усулларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Меъда-ичак тракти рентгеноскопияси, эзофагогастроуденоскопия, ультратовуш текшируви, МСКТ, диагностик лапароскопия, тадқиқотнинг морфологик усуллари, клиник-биокимёвий тадқиқотлар, СА-72-4 онкомаркерини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

меъда саратони ўсмасининг антрал қисмида жойлашиши, ўсма хужайраларининг юқори дифференцировка даражаси, экзофит ўсиш шакли ва регионар лимфа тугунларида метастазларнинг тарқалиши асосида дистал субтотал резекциясини ўрни исботланган;

комплекс ташхислашда меъда саратонини жарроҳлик даволашдан сўнг СА 72-4 онкомаркери динамик мониторингини таъминлаш сифатида амалиётдан кейин биринчи оғи, кейинги биринчи ва иккинчи йилларнинг ҳар 3 оғи мобайнида назоратни зарурлиги асосланган;

меъда чўлтоғи экстирпациясида Бильрот-1 бўйича резекциясидан кейин Гильярович услубида, Бильрот-2 дан кейин эса РУ услубида эзофагоёюноанастомоз реконструкциясини самарали тартиби исботланган;

меъда саратони рецидиви билан касалланиш даражасида паст дифференцирлашган аденокарцинома, эндофит шакли ва тана қисмига ўсиши



касалликни юқори рецидив жараёнининг ривожланиш хавфини салбий аҳамияти исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат.

меъда саратони рецидивининг ривожланишига башорат омилларининг таъсирини аниқлаш бўйича илмий таҳлил натижалари радикализмнинг онкологик тамойилларига риоя қилиш меъда саратони рецидивининг юзага келиш сонини ишончли камайтирган;

СА 72-4 онкомаркери даражасини баҳолашнинг иммунохемилюминисцент усули клиникагача бўлган эрта даврда рецидивни аниқлаш имконини берган. Мазкур маркер мониторинги эса жараённинг прогрессирлашуви ёки регрессияси индикатори бўлиб хизмат қилиши тавсия қилинган;

рецидивларнинг ривожланиш хавфини комплекс баҳолаш бўйича башорат харитаси ҳар бир аниқ ҳолатда хавф омилларининг турли комбинациялари билан меъда саратонига чалинган беморларда рецидивларнинг ривожланиш эҳтимолини миқдорий баҳолаш имконини бериши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, биокимёвий, инструментал, морфологик ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, маълумотларга статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти меъда саратони рецидивининг ривожланишига башорат омилларининг таъсирини аниқлаш бўйича илмий таҳлил натижалари радикализмнинг онкологик тамойилларига риоя қилиш бўйича услубий қўлланма бўлиб хизмат қилади, бу эса меъда саратони рецидивининг юзага келиш сонини ишончли камайишини таъминлаши билан изоҳланади. Тадқиқотнинг алоҳида натижалари клиник ординатор, магистр ва курсантларнинг меъда саратони рецидивини ташхислаш ва даволаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган СА 72-4 онкомаркери даражасини аниқлашнинг иммунохемилюминисцент усули клиникагача бўлган эрта даврда рецидивни аниқлаш имконини беради, мазкур маркер мониторинги эса жараённинг прогрессирлашуви ёки регрессияси индикатори бўлиб хизмат қилиши мумкин. Рецидивларнинг

ривожланиш хавфини комплекс баҳолаш бўйича таклиф этилган башорат харитаси ҳар бир аниқ ҳолатда меъда саратони рецидивларини башоратлашда амалий аҳамиятга эга бўлиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Меъда саратони рецидиви, прогноз омиллари таъсири, эрта ташхислаш ва даволашни яхшилаш йўлларини такомиллаштиришни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Меъда рецидивли саратонини эрта ташхислаш хусусиятлари ва хавф омиллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 8н-д/198-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма меъда саратони рецидиви, прогноз омиллари таъсири, эрта ташхислаш ва даволашни яхшилаш йўлларини ишлаб чиқиш, асоратларида самарали жарроҳлик амалиётини ўтказиш ҳамда касалликнинг қайталанишларсиз даврини ошириш имконини берган;

Меъда саратони рецидиви, прогноз омиллари таъсири, эрта ташхислаш ва даволашни яхшилаш йўлларини такомиллаштириш сифатини яхшилашнинг самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган ва Сирдарё филиалларининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 7 майдаги 8 н-д/65-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма меъда чўлтоғи саратонининг маҳаллий тарқалган рецидивли саратонида меъда чўлтоғини кенгайтирилган-комбинирлашган экстирпацияси жарроҳлик амалиётини қўллаш имконини бериши, бу эса операциядан кейинги асоратлар сонининг ишончли камайиши ва узоқ муддатли 3 йиллик умр кўриш давомийлигини ошишини таъминлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 104 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, иш натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Меъда саратони қайталанишини эрта ташхислаш ва даволашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида меъданинг рецидивли саратонини даволаш масаласи бўйича илмий маълумотлар кенг таҳлил қилинган, танқидий баҳоланган, маълумотлар умумлаштирилган ва тизимлаштирилган. Хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг манбаларини илмий асосда таҳлили қилинган. Келгусида ҳал қилишни талаб қиладиган долзарб масалалар ўрганилган. Касалликдаги ташхис масалалари, қўлланиладиган даволаш чора-тадбирларини танлаш, қўлланиладиган усулларнинг афзаллик ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «**Меъда саратони рецидиви, прогноз омиллари таъсири, эрта ташхислаш ва даволашни яхшилаш йўллари такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари баён этилган. 2-гурухга қарашли аксарият беморлар, айнан 63 (92,6%) нафар беморда бирламчи операция - ихтисослаштирилган онкология муассасаларида, қолган 5 (7,4%) нафар беморда - турли умумий жарроҳлик шифохоналарида ўтказилган, 1-гурухда бироз бошқача ҳолат қайд этилди: 49 (81,7%) нафар бемор турли умумий жарроҳлик шифохоналарида ва 11 (18,3%) нафар бемор – ихтисослаштирилган онкология муассасаларида операция ўтказилган. Умумий жарроҳлик муассасаларида операция қилинган беморларда меъда чўлтоғининг рецидивли саратони улуши 2-гурухга нисбатан бир неча марта кўп.

Ташхис анамнез тўлиқ йиғилгач, касалликнинг ўзига хос клиник белгилари, лаборатория текширувлари, жигар, меъда ости беzi, ретроперитонеал бўшлиқнинг ультратовуш текшируви ва махсус текширув усуллари асосида қўйилган. Эрта босқичда меъда чўлтоғи соҳасидаги рецидив жараёнини аниқлаш учун эндоскопик ва радиологик текширув усулларидан фойдаланилди.

Локорегионар рецидивнинг экстрагастрал белгилари аниқланганда ультрасонография, доплерография ва компьютер томография қўлланилди.

Иммунрадиометрик таҳлил қон зардобдаги молекуляр вазни 400000 Да бўлган муцинсимон гликопротеин - СА72-4 ни миқдорий аниқлаш мақсадида РИО ва РИАТМ ва Энергетика вазирлиги «Ўзиссиқлик таъминоти»да тиббий санитария қисми ўртасида шартнома асосида ўтказилган.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларга статистик ишлов бериш функциялари ўрнатилган Microsoft Office Excel-2013 дастурий пакетини қўллаш орқали статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Меъда саратони рецидиви ривожланишининг башоратлаш ва эрта ташхислашда СА 72-4 онкомаркернинг аҳамияти**» деб номланган учинчи бобда меъда чўлтоғида рецидивларнинг ривожланишини башоратлаш масалалари кўриб чиқилган.

Беморларни ўсма тарқалишига кўра тақсимлашда TNM (2002) халқаро таснифлаш тизимининг олтинчи наشري қўлланилди. Ушбу таснифга кўра, 1-гуруҳ беморларида TNM тизимига кўра куйидаги даражалар қайд этилди: T<sub>3</sub>N<sub>0</sub>M<sub>0</sub> - 3 (5,0%), T<sub>3</sub>N<sub>1</sub>M<sub>0</sub> - 14 (23,3%), T<sub>3</sub>N<sub>2</sub>M<sub>0</sub> – 43 (71,7%) беморда, 2-гуруҳда эса T<sub>3</sub>N<sub>0</sub>M<sub>0</sub> – 5 (7,3%), T<sub>3</sub>N<sub>1</sub>M<sub>0</sub> - 18 (26,5%) ва T<sub>3</sub>N<sub>2</sub>M<sub>0</sub> - 45 (66,2%) беморда кузатилди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

**Текширилган беморларни жараённинг тарқалиш босқичига мос равишда тақсимланиши**

Жараённинг тарқалиши	1-гуруҳ (n=60)		2-гуруҳ (n=68)		x <sup>2</sup>	P
	абс	%	абс	%		
T <sub>3</sub> N <sub>0</sub> M <sub>0</sub>	3	5,0	5	7,3	0,30	> 0,05
T <sub>3</sub> N <sub>1</sub> M <sub>0</sub>	14	23,3	18	26,5	0,17	> 0,05
T <sub>3</sub> N <sub>2</sub> M <sub>0</sub>	43	71,7	45	66,2	0,45	> 0,05
Жами	60	100	68	100	0	0

Хирургик даволаш натижаларини ишончли баҳолаш учун биз 1-гуруҳдаги беморлар орасида реконструкция қилиш турига қараб рецидивларнинг пайдо бўлиш муддатини ўргандик (2-жадвал).

Бильрот-2 бўйича реконструкциядан сўнг, 7-ойга келиб 1 нафар беморда рецидив ривожланди, шу билан бирга Бильрот-1 бўйича ўтказилган реконструкциядан сўнг 9-ойга келиб рецидивлар 31 (86,1%) нафар беморда ривожланди, операциядан 1,5 йил ўтгач эса оператив амалиёт ўтказилган барча беморларда рецидив аниқланди. Бильрот-2 бўйича реконструкция ўтказилган 24 нафар бемордан 19 нафарида айнан шу муддатларда рецидив ривожланди, қолган 5 нафар беморда рецидив 21 ойгача бўлган муддатда пайдо бўлди (2-жадвал).

**Меъда саратони билан оғриган беморларда реконструкция турига қараб рецидив ривожланиш вақти**

Вақт	Бильрот-I (n=36)		Бильрот-II (n=24)		x <sup>2</sup>	P.
	абс	%	абс	%		
2-3 ой	5	13,9	0	0	3,64	<0,01
4-5 ой	9	25,0	0	0	7,06	<0,001
6-7 ой	7	19,4	1	4,1	2,91	>0,05
8-9 ой	10	27,8	3	12,5	1,98	>0,05
10-12 ой	4	11,1	5	20,9	1,07	>0,05
13-18 ой	1	2,8	10	41,7	14,55	<0,01
18-21 ой	0	0	5	20,8	8,18	<0,01

Шундай қилиб, Бильрот-I бўйича дистал субтотал резекциядан кейинги рецидивсиз давр медианаси -  $6,9 \pm 0,1$  ойни, Бильрот-2 бўйича реконструкциядан сўнг эса икки баравардан кўп -  $12,4 \pm 0,4$  ойни ташкил этди.

Меъда саратони рецидивини ташхислаш ҳали ҳам муайян қийинчиликларга олиб келади. Қийинчиликлар рецидивнинг «операция қилинган меъда касалликлари» фонида юзага келиши билан боғлиқ. Шунинг учун ўсма ўсишининг қайта тикланиш индикаторлари сифатида ўсма билан ассоцирланган антигенлар миқдорини ўрганиш шифохонада маълум бир аҳамиятга эга.

СА 72-4 онкомаркери - юқори молекуляр гликопротеин (м.в. 230-1000 кДа) бўлиб, эпителий юзасининг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу оқсил эмбрионал даврда меъда-ичак тракти тўқималари, шунингдек йўғон ичак, ўпка, тухумдон, эндометрий, меъда ости беши, меъда ва сут безларининг турли карциномалари томонидан ажралади. Онкомаркерларнинг концентрацияси ўсмани ривожланиш босқичи ва унинг ҳажми билан боғлиқ. Ўсмаларга хос эктопик бирикмаларни аниқланиши қон ва организмнинг бошқа биологик суюқликларда "ўсма маркерлари" концентрациясини миқдорий аниқлаш имконини берувчи ташхисий тест тизимларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

СА 72-4 онкомаркерининг юқори диагностик ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда биз текширилган беморларда рецидивлар ривожланишининг ўртача эҳтимоллигини аниқладик. Қон зардобдаги СА 72-4 онкомаркерининг юқори даражаси меъда чўлтоғи саратонининг рецидиви мавжуд беморларда кузатилади.


2-гурухдаги 53 (77,9%) нафар беморда СА 72-4 онкомаркерининг миқдори  $6,9$  Ед/мл дан ошмади, 15 (22,1%) нафар беморда эса ошиб,  $12$  Ед/мл гача доирада ўзгариб турди.

1-гурух беморларида ўтказилган даволаш усуллари, жараён босқичи ва

тарқалишига қараб онкомаркерлар миқдорининг сезиларли ўзгариши кузатилди. Бильрот-1 бўйича дистал субтотал резекция ҳажмида ўтказилган жарроҳлик операциясидан кейин СА-72-4 онкомаркери миқдорининг 13,82 дан 116,9 Ед/мл гача ошиши, Бильрот-2 дан сўнг 8,81 дан 79,2 Ед/мл гача ўзгариши кузатилди.

Биз касаллик босқичига қараб онкомаркер миқдори даражасини ўрганишга ҳаракат қилдик. Биз антиген миқдори ва касаллик босқичи ўртасида аниқ боғлиқлик мавжудлигини аниқладик.

1-гурух беморларида Бильрот-1 ва Бильрот-2 бўйича бирламчи жарроҳлик операциясидан сўнг СА 72-4 онкомаркери миқдорининг касаллик босқичи ва меъда чўлтоғининг рецидивли саратонини ривожланиш муддатига мос равишда ошиши кузатилди (1-расм).



**1-расм. СА 72-4 ўсма маркери ва касалликнинг босқичи ўртасидаги боғлиқлик**

Касаллик рецидивларида СА 72-4 миқдорининг ошиши ремиссия ёки ўткирлашув даврида бўлган барча беморлар мониторингини юритиш заруратидан далолат беради.

Ҳозирги кунда қатор касалликларни ташҳислаш ва башоратлашни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган, бироқ аниқланган ҳавф омиллари бўйича меъда саратони рецидивларини башоратлаш амалга оширилмаган. Байеснинг эҳтимоллик усулига асосланган Е.Н.Шиганнинг интенсив кўрсаткичларни меъёрлаштириш (ИКМ) усулидан фойдаланиб, анамнез, клиник симптоматика, ўтказилган лаборатор ва инструментал текширув маълумотлари бўйича прогностик харита ишлаб чиқилди. Прогностик харита прогностлаш учун танланган барча омилларни ўз ичига олади, жумладан градацияси ва интеграл хавф кўрсаткичларининг қиймат-лари алоҳида ҳар бир омил таъсири кучи (X), ҳар бир омил учун нисбий хавф кўрсаткичи (R) ва уларнинг омилларнинг комплекси бўйича миқдори (RN), шу билан бир

қаторда меъёрлаштирувчи қиймат - бутун тадқиқот бўйича меъда саратони рецидивни сонининг ўртача кўрсаткичи (N). Прогноз жадвали билан бир қаторда биз қабул қилинган омиллар комплекси учун эҳтимолий хавф қийматларини аниқланди. Хавфнинг мумкин бўлган диапазонини аниқлаш қуйидагича амалга оширилди.

Индивидуал башоратлашни стационар даволаш шароитида қўллаш мумкин, бу касалликнинг кечишини асосли башорат қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдиндан кўриш имконини беради.

Таклиф этилаётган башоратлаш усули шифокорга меъда саратони рецидивининг ривожланиш хавфи юқори бўлган шахсларни осон ажратиб олиш имконини беради.

Рецидивлар ривожланишининг якуний башорат кўрсаткичига қандайдир бир ёки бир неча вазли коэффициентлар аниқловчи таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда махсус профилактик чоралар амалга оширилади, беморга эса ушбу омиллар таъсирини йўқотиш ёки камайтириш бўйича маслаҳатлар берилади.

Диссертациянинг **«Меъда рецидивли саратонини даволаш самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган тўртинчи бобда такрорий операциялар ва уларнинг натижаларини баҳолашга бағишланган.

Бугунги кунда меъда саратонини радикал даволашнинг ягона усули жарроҳлик усулидир. Меъда чўлтоғининг рецидивли саратони ривожланган беморларда жарроҳлик амалиёти учун кўрсатмаларни аниқлашда биз саратон юзасидан ўтказиладиган меъданинг бирламчи резекциясида бўлгани каби тамойилларга асосландик. Жараённинг тарқалиш белгилари бўлмаган ҳолда меъда чўлтоғининг рецидивли саратонини аниқланиши қайта операция учун кўрсатма ҳисобланади, операция вақтидагина радикал аралашувни амалга ошириш имконияти аниқланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, айниқса саратон юзасидан ўтказилган қайта операция одатда, катта шикастлилиги билан тавсифланади ва организмни жуда заифлашган беморларда амалга оширилади, бу эса катта операцион хавфни туғдиради.

Биз меъда чўлтоғи рецидивли саратони билан касалланган беморларга адекват ёрдам кўрсатиш учун биз рецидивларни даволаш алгоритмидан фойдаландик, мазкур алгоритм даволашни кадамма-кадам ўтказиш йўриқномаси ҳисобланади (1-расм).

Қўйилган вазифаларга асосан меъда чўлтоғининг рецидивли саратонини хирургик даволаш самарадорлигини қуйидаги мезонлар бўйича баҳоладик: СА-72-4 онкомаркери миқдорининг ўзгариши; ЖССТ тавсиясига биноан бирламчи ўчоқ ҳолати ва ўсманинг тарқалиш даражасини баҳолаш; даволашнинг узок муддатли натижалари.

Биринчи гуруҳга кирувчи 60 нафар бемордан 34 нафарда қайта операция ўтказилди, операбеллик - 56,7% ни ташкил этди.

Бильрот-1 ҳажмида ўтказилган меъда резекциясидан сўнг 16 (44,4%) нафар бемор қайта операция қилинди, жумладан меъда чўлтоғи экстирпацияси - 1 (2,8%), меъда чўлтоғининг комбинирлашган экстирпацияси - 3 нафар (8,3%), айланма анастомозлар - 9 нафар (25,0%), эксплоратив лапаротомия - 3 (8,2%) нафар беморда ўтказилди. Резектабеллик - 11,1%ни ташкил этди.



2-расм. Меъда чўлтоғи саратонини даволаш алгоритми

Бильрот-2 ҳажмида меъда резекциясидан сўнг 18 (75,0%) нафар бемор қайта операция қилинди, жумладан меъда чўлтоғи экстирпацияси - 4 нафар (16,7%), меъда чўлтоғи экстирпацияси ва қизилўнгач пастки учлиги резекцияси - 1 (4,2%), меъда чўлтоғи комбинирлашган экстирпацияси - 8 (33,3%), айланма анастомозлар - 4 (16,7%), эксплоратив лапаротомия - 1 (4,2%) нафар беморда амалга оширилди. Резектабеллик – 52,4%ни ташкил



этди. Умумий 13 нафар беморда меъда чўлтоғини стандарт ва комбинирлашган экстирпациясини радикал тарзда амалга ошириш мумкин бўлди.

Бильрот-1 бўйича реконструкцияси билан меъда чўлтоғи экстирпациясидан сўнг барча беморларда Гильярович бўйича эзофагоеюноанастомоз, Бильрот-2 бўйича реконструкциядан сўнг Ру усулида эзофагоеюноанастомоз шакллантирилди (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Қайта операция турлари бўйича беморларни тақсимланиши n=60**

Қайта ишлашнинг турлари	Бильрот-I (n=36)		Бильрот-II (n=24)		$\chi^2$	P
	абс	%	абс	%		
меъда чўлтоғи экстирпацияси	1	2,8	4	16,7	3,64	<0,05
меъда чўлтоғи экстирпацияси ва қизилўнғач пастки учлиги резекцияси	0	0	1	4,2	1,53	>0,05
меъда чўлтоғи экстирпацияси ва спленэктомия	0	0	2	8,3	3,10	<0,05
меъда чўлтоғи экстирпацияси ва меъда ости беши думи резекцияси	1	2,8	1	4,2	0,09	>0,05
меъда чўлтоғи экстирпацияси ва жигар резекцияси	1	2,8	2	8,3	0,94	>0,05
меъда чўлтоғи экстирпацияси ва ёнбош ичак резекцияси	1	2,8	3	12,4	2,19	>0,05
айланма анастомозлар	10	27,7	4	16,7	0,99	>0,05
эксплоратив лапаротомия	2	5,5	1	4,2	0,06	>0,05
Жами	16	44,4	18	75,0	5,48	<0,05

Бильрот-1 ва Бильрот-2 хажмли меъданинг дистал субтотал резекциясидан сўнг резектабеллик сонини ретроспектив тахлили Бильрот-1 бўйича резекцияда резектабеллик Бильрот-2 усулига қараганда 4 марта кам эканлигини кўрсатди. Гастродуоденоанастомоз соҳасидаги рецидив осонгина меъда ости бези, жигар дарвозаси элементлари ва гепатопанкреатикодуоденал соҳанинг бошқа ҳудудлари бўйлаб осонлик билан ўсади, бу эса Бильрот-1 бўйича меъда резекциясидан сўнг меъда чўлтоғи рецидивли саратонининг норезектабеллигини асосий сабаби ҳисобланади.

Бильрот-2 бўйича меъда резекциясидан сўнг гастроэнтероанастомоз чамбар ичак орқасида ҳосил қилинганлиги учун рецидив жараёни асосан мезаколон ва кўндаланг-чамбар ичакни эгаллайди. Бундай ҳолларда, мезаколонни кўндаланг-чамбар ичак билан резекция қилиш қийин бўлмайди.

1-гурӯҳда қолган 32 (53,3%) бемор ва 2-гурӯҳнинг барча беморларига ҳар 3 ҳафтада 4-6 курсдан ELF ва FAP схемаси бўйича адъювант СПХТ тайинланди.

Қайта операциядан сўнг операциядан кейинги даврда ривожланган асоратлар жуда кам учради, улар 4-жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал

#### Қайта операциядан сўнг операциядан кейинги даврда ривожланган асоратлар

Асоратлар	n=34	
	абс	%
ОиМ ЎЮҚТЕ	1	2,9
Операцион жароҳатнинг йиринглаши	1	2,9
Операциядан кейинги пневмония	2	5,8
Ўпка артерияси тромбоэмболияси	1	2,9

Радикал жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан сўнг 3 ҳафтадан кейин жарроҳлик амалиёти амалга оширилган 17 беморда онкомаркери ўрганиш шунини кўрсатдики, 10 (58,8%) беморда онкомаркер 42,4 Ед/мл дан меъёргача пасайди ва ўртача 6,4 Ед/мл ни ташкил қилди, 7 (41,2%) беморда эса онкомаркер даражаси бошланғич 42,4 Ед/мл дан ўртача 10,3 Ед/мл га камайиб, меъёр кўрсаткичидан анча юқори бўлди. Ушбу рақамлар шундан далолат берадики, 7 (41,2%) нафар беморда рецидив бўйича жарроҳлик аралашувининг ҳажми радикал бўлмай, шартли радикал тавсифга эга бўлган бўлиши эҳтимол. Жарроҳлик амалиётидан сўнг барча беморларда 4 дан 6 курсгача адъювант кимётерапия ўтказилди.

Кимётерапиянинг 2-курсидан 2 ҳафта ўтгач онкомаркер текширувлари онкомаркер меъёрда бўлган 10 нафар беморда мазкур кўрсаткичнинг

ошмаганлигини кўрсатди, СА 72-4 миқдри бирмунча ошган 7 бемордан 2 нафарида меъёргача камайди, 3 беморда турғун ўзгаришсиз қолди ва 2 беморда СА 72-4 миқдорининг 13,2 ва 14,1 Ед/мл гача ошиши кузатилди. Маълумотларнинг талқини шундан далолат берадики, адъювант кимётерапия туфайли СА 72-4 онкомаркери меъёр кўрсаткичларигача камайдиган 2 беморда микрометастазлар бартараф этилган бўлиши мумкин ва қолган 5 беморда СПХТ самараси чегараланган ёки умуман кузатилмаган.

17 (50,0%) беморда эксплоратив лапаротомия ва дренажловчи операция ўтказилди. Ушбу гуруҳларда СА 72-4 текширувлари атайин ўтказилмади ва ушбу беморлар тизимли кимётерапия олган беморлар гуруҳига қўшилди.

Шундай қилиб, ELF ва FAP схемаси бўйича 43 (71,7%) беморда тизимли кимётерапия курси ўтказилди. Кимётерапия курсини тайинлашгача Са 72-4 онкомаркерининг миқдори ўртача 40,5 Ед/мл ни ташкил қилди. 43 нафар бемордан 36 (83,7%) нафарида СА 72-4 онкомаркерининг такрорий текшируви ўтказилди. СА 72-4 миқдорини СПХТнинг 2 курсидан сўнг 36 (83,7%) беморда қайта текшириш натижалари онкомаркер динамикасига кўра беморларни уч гуруҳга бўлиш мумкинлигини кўрсатди:


1-гуруҳ СА 72-4 миқдори ўртача 22,2 Ед/мл га камайдиган - 9 бемор. Олинган натижалар нафақат онкомаркер миқдори ва объектив текширувлар, жумладан ультратовуш, ФГДС, ССС ва КТ билан тасдиқланган, шунингдек, ушбу гуруҳда ўсма жараёнининг регрессияси қайд этилган ва ЖССТ тавсияси бўйича қисман клиник самара қайд этилган.

2-гуруҳ -12 бемор. СА 72-4 миқдорининг пасайиши ўртача 31,2 Ед/мл ни ташкил этди. Онкомаркер ва объектив маълумотларга кўра, ўсма жараёнининг регрессияси 25,0% дан ортиқ бўлмаган. ЖССТ тавсиясига кўра даволаш самарадорлиги жараённинг турғунлашуви сифатида баҳоланган.

3-гуруҳ – 15 бемор. 2 курс кимётерапия ўтказилганлигига қарамай онкомаркер миқдори сезиларли даражада ошган ва ўртача 49,3 Ед/мл ни ташкил этган. Объектив тадқиқот усуллари ЖССТ тавсияси бўйича жараённинг ривожланишга мойиллигини кўрсатди. Шу билан бирга, кимётерапия схемасига мос равишда даволаш самарадорлигидаги фарқнинг ишончлилиги кузатилмади.

Радикал операция ва 2 курс СПХТ ўтказилган 17 нафар бемордаги узок муддатли натижалар таҳлил қилинганда 1 йил давомида 5 нафар бемор рецидив ва метастатик жараённинг юзага келиши ва ривожланиши туфайли вафот этди, бир йиллик ўлим кўрсаткичи 29,4% ни ташкил этди. Бу жарроҳлик аралашувига қарамай СА 72-4 онкомаркерининг миқдори меъёргача пасаймаган ва клиникагача бўлган эрта даврда деярли 1,8-2 марта юқори бўлган беморлардир. Объектив текширувларда ретроперитонеал клетчаткада локорегионал рецидив ва метастазнинг пайдо бўлиши операциядан 4-6 ой ўтгач қайд этилган. Бир йиллик яшовчанлик даражаси 70,6% ни ташкил этди. Иккинчи йил мобайнида асосий жараённинг ривожланиши туфайли яна 7 нафар бемор ҳаётдан кўз юмди. Қолган 11

кишида 2 йиллик яшовчанлик даражаси 29,4% ни ташкил этди. Қолган 5 нафар беморни кузатиш натижалари 3 йиллик тўсиқни атиги 2 бемор ўтганлигини кўрсатди ва яшовчанлик даражаси 11,8% ни ташкил этди. Умуман олганда, радикал жарроҳликдан сўнг яшовчанлик медианаси  $25,2 \pm 0,4$  ойни ташкил этди. Резекция қилиш имкони бўлмаган рецидивли меъда саратони билан оғриган 36 беморда СПХТнинг 2 курсидан сўнг ва 7 нафар беморда 3 курсдан сўнг узоқ муддатли натижаларни ўрганиш атиги 4 нафар бемор 1 йил ёки ундан кўпроқ вақт яшаганлигини кўрсатди. Бир йиллик яшовчанлик даражаси 9,3% ни ташкил этди. СА 72-4 онкомаркери ўрганилганда ушбу беморларнинг барчаси қисман клиник самара қайд этилган 1-гуруҳда бўлган. 2 йиллик яшовчанлик кузатилмаган. Максимал яшовчанлик - 14,2 ойни ташкил этган. Қолган 39 бемор 1 йил давомида вафот этди: 6 ой мобайнида - 18 (41,9%) бемор, 6 ойдан 9 ойгача - 12 (27,9%) ва 9 ойдан 12 ойгача бўлган даврда - 9 (20,9%) бемор. Ўртача яшовчанлик  $8,9 \pm 0,3$  ойни ташкил этди (3-расм). Умумий ҳолатининг ёмонлашиши, оғриқ пайдо бўлганлигига шикоят билан муружаат қилган меъда саратони билан оғриган беморларга меъда чўлтоғининг рецидивли саратони ташхиси қўйилди. Ўсма рецидиви частотасини камайтириш усулларида бири - комбинирланган жарроҳлик аралашувини амалга ошириш орқали саратон радикализи ва резектабеллигини оширишдан иборат. Қайта операция, айниқса, саратон туфайли ўтказилган қайта операция одатда, катта шикастлилиги билан тавсифланади ва организми жуда заифлашган беморларда катта операцион хавфни туғдиради. Бильрот-1 ва Бильрот-2 ҳажмли меъданинг дистал субтотал резекциясидан сўнг резектабеллик частотасини ретроспектив таҳлили Бильрот-1 бўйича резекцияда резектабеллик Бильрот-2 усулига қараганда 4 марта кам эканлигини кўрсатди.



**3-расм. Беморларнинг 3 йиллик умр кўриш давомийлиги**

Юқорида қайд этилган кузатувлар юқори даражада ишончлилик билан СА 72-4 онкомаркерини ўрганиш нафақат рецидивнинг эрта юзага келишини кўрсатувчи муҳим башорат омили, балки жарроҳлик аралашувининг радикаллигини аниқлашнинг муҳим биологик мезони эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, СА 72-4 онкомаркери миқдоридаги ўзгаришлар динамикасини бошқа объектив текширувлар билан бир қаторда махсус даволаш усуллариининг самарадорлигини баҳолашда қўллаш мумкин.

## ХУЛОСА

«Меъда саратони рецидиви, прогноз омиллари таъсири, эрта ташхислаш ва даволашни яхшидаш йўллариини такомиллаштириш» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Асосий башорат омиллари (ўсманинг гистологик тузилиши, макроскопик шакли, жойлашиши)ни ҳисобга олмаган ҳолда меъдани дистал субтотал резекциясини ўтказиш, ноадекват лимфодиссекция ва реконструкция тури меъда чўлтоғи саратонининг рецидивланишига олиб келувчи муҳим омиллар ҳисобланади.

2. Меъда чўлтоғи саратонининг рецидивланишига олиб келувчи асосий омиллардан бири Бильрот-I бўйича реконструкция тури бўлиб, у бошқа нохуш прогностик омиллар фонида Бильрот-II бўйича реконструкция турига нисбатан 60% гача рецидивларнинг юзага келишига олиб келади, Бильрот-II реконструкциясида эса рецидивлар частотаси 40% дан ошмайди, резектабеллик эса 4 марта кам бўлиб, мос равишда 54,2 ва 11,1% ни ташкил этади.

3. Меъданинг дистал субтотал резекциясидан сўнг СА-72-4 онкомаркерини текшириш ва ташхисий мониторингини юритиш ривожланишнинг эрта даврида (клиник намоён бўлишидан 4-6 ой олдин) меъда саратони рецидивини аниқлаш имконини берувчи муҳим диагностик тест ва радикал жарроҳлик аралашуви мезони ҳисобланади. Ўтказилган текширувлар СА-72-4 онкомаркери миқдорининг 1-гурухга тегишли барча беморларда ошиши ва 13,82 дан 116,9 Ед/мл доирасида ўзгариб туришини кўрсатди.

4. Меъда чўлтоғининг стандарт ёки комбинирлашган экстирпациясини ўз ичга олувчи хирургик амалиёт меъда чўлтоғи саратонининг резектабел рецидивини даволашнинг энг самарали усули ҳисобланади. Мазкур жарроҳлик амалиёти умр давомийлиги 1 йиллик, 2 йиллик ва 3 йиллик кўрсаткичларини мос равишда 70%, 29,4% ва 11,8% ошишини таъминлади. Бильрот-I дан сўнг Гильярович бўйича вертикал эзофагоёноанастомоз, Бильрот-II дан сўнг Ру усули энг мақбул реконструкция усуллари ҳисобланади.

5. Асосий башоратлаш омиллари бўйича меъда чўлтоғи саратони рецидивининг ривожланиш хавфини комплекс баҳолаш имконини берувчи ишлаб чиқилган башорат харитаси варианты юқори эҳтимоллик даражаси билан меъда саратони рецидивининг юзага келишини башоратлаш бўйича ишончли маълумотлар олинишини таъминлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04.12.2018.Tib.77.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ  
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ОНКОЛОГИИ И РАДИОЛОГИИ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ОНКОЛОГИИ И  
РАДИОЛОГИИ**

**ХУДАЙБЕРДИЕВА МАШХУРА ШАВКАТОВНА**

**РЕЦИДИВ РАКА ЖЕЛУДКА, ВЛИЯНИЕ ФАКТОРОВ ПРОГНОЗА,  
ПУТИ УЛУЧШЕНИЯ РАННЕЙ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ**

**14.00.14 – Онкология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2018.2.PhD/Tib662.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Джураев Миржалол Дехканович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Ходжаев Абдувохид Валиевич**  
доктор медицинских наук, профессор  
**Хакимов Голиб Абдуллаевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Республиканский онкологический научный центр  
Министерств Здравоохранения и социальной защиты  
населения Республики Таджикистан  
(Республика Таджикистан)**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc. 04.12.2018.Tib.77.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Фаробий, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@ronc.uz](mailto:info@ronc.uz), Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр онкологии и радиологии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии (зарегистрирована за № \_\_). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Фаробий, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2019 года).

**М.Н. Тилляшайхов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**А.А. Адилходжаев**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

**М.Х. Ходжибеков**  
Председатель научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным ВОЗ, во всем мире «...смертность от рака желудка составляет 45,0%. Основными причинами смерти больных раком желудка являются рецидивы и прогрессирование опухолевого процесса...»<sup>1</sup>. Особую роль в снижении смертности от рака желудка играет разработка вопросов своевременного выявления, лечения и профилактики рецидивов заболевания. По последним данным литературы «...частота локорегионарных рецидивов достигает 30-53%, а уровень 5-летней выживаемости остается низкой – до 18-30%. Трудности диагностики связаны с тем, что рецидив возникает на фоне «болезней оперированного желудка». Рецидив рака в культе желудка развивается у 89% больных в течение 5 лет после операции и лишь у 4% больных более чем через 10 лет...»<sup>2</sup>. Рецидивы рака желудка в отличие от первичной опухоли характеризуются большей биологической активностью, выражающейся в высокой склонности к инфильтративному росту, высокой степенью инвазивности, частым прорастанием в окружающие органы. Такое же значение имеет и гистологическая форма опухоли: чем меньше дифференцирована опухоль, тем чаще рецидив.

В мире проводится ряд научных исследований по совершенствованию профилактики, направленной на повышение эффективности ранней диагностики и лечение рецидивов с учетом влияния прогностических факторов рака желудка. Большое значение имеет обоснование роли и адекватности лимфодиссекции в возникновении локорегионарного рецидива рака желудка и выбор онкологически обоснованного уровня дистальной субтотальной резекции желудка в зависимости от глубины прорастания, локализации, гистологической структуры, формы роста опухоли. Очень важна разработка принципов ранней диагностики рецидива рака культи желудка путем внедрения и мониторинга иммунохемилюминисцентного метода определения карбоангидратного антигена СА-72-4 в комплексной диагностике. В этой связи особое значение имеет оценка непосредственных и отдаленных результатов стандартной и комбинированной экстирпации культи желудка при рецидивном раке желудка, выбор оптимального способа формирования эзофагоюноанастомоза в зависимости от типа реконструкции, а также разработка прогностической карты для комплексной оценки риска развития рецидивного процесса в зависимости от основных факторов прогноза оценки их роли при возникновении метастазов.

В нашей стране Указом Президента №5590-2018г. поставлены задачи «...по повышению эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению, а также формированию системы медицинской

---

<sup>1</sup> World Health Organization. Cancer: fact sheet no.297. World Health Organization website. 2018. [www.who.int/iris/handle/10665/244872](http://www.who.int/iris/handle/10665/244872).

<sup>2</sup> Афанасьев С.Г., Августинович А.В., Тузиков С.А., Пак А.В., Волков М.Ю., Савельев И.Н., Фролова И.Г. Результаты комбинированных операций при местно-распространенном раке желудка //Онкология. Журнал им. П.А. Герцена. – 2013. №2. – С. 12-15

стандартизации, внедрению высокотехнологичных методов диагностики и лечения, пропаганды здорового образа жизни и профилактики заболеваний за счет создания эффективных моделей патронажа и диспансеризации...»<sup>3</sup>. Данные задачи способствуют снижению онкологической заболеваемости путём перевода медицинской помощи при диагностике и лечении онкологических заболеваний на новый уровень применения современных технологий при медицинском обслуживании.

